



ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ГЕСТАЦИОН ПИЕЛОНЕФРИТНИ ТАШҲИСЛАШНИНГ ПАТОМОРФОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Тожибоев.Т.Т.

мустақил изланувчи, Андижон давлат тиббиёт институти

Махкамов Н.Ж.


DSc., Андижон давлат тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11296092>

Муаммонинг долзарблиги. Жаҳон аҳолисини ўртача 11,7%ни ҳомиладор аёллар ташкил этади (БССТ 2022 йил). Ҳомиладорликнинг 2 ва 3 уч ойлигида асосан сийдик ажратиш тизимида морфофункционал тўсиқларнинг юзага келиши, айниқса, буйракдан чиқувчи сийдий йўлининг босилиши сийдик димланишига ва ҳар хил йўллар билан инфекцион омилларнинг қўшилиши оқибатида, гестацион пиелонефрит юзага келади. Ҳомиладорлик ва туғилишлар миқдорида мос равишда АҚШ ва Европа давлатларида гестацион пиелонефрит жами ҳомиладорларнинг 2-4%ни ташкил этиши муаммони долзарблигини англатади. Айнан ҳомиладорлик пайтида юзага келадиган пиелонефритларнинг аксариятида, бактериал инфекциянинг қўшилиши билан йирингли пиелонефритларни юзага келишига олиб келади. Натижада, буйрак жомлари ва косачаларининг обструктив ўзгаришларига олиб келиши билан давом этади. Ҳомиладорлик ва туғруқдан кейинги даврда буйракда юзага келган асоратлардан ўлим кўрсаткичи ўртача, 1000та ҳомиладорга ўртача 1-3%ни ташкил этади.

Мамлакатимизда ушбу касалликларини ўрганиш асносида 2022 йилда жами 580 мингта ҳомиладор аёлларнинг ўртача 174 тасининг ўлимига олиб келганлиги аниқланган. Ҳомиладорлик даврида ривожланадиган гестацион пиелонефритнинг ўзига хос патоморфологик ва иммуногистокимёвий жиҳатлари тўла тўқис ўрганилмаганлиги ва муаммони долзарблиги регионар географик аҳамиятга эгалиги ҳам муҳим ҳисобланади. Бу эса она бола саломатлиги муҳофазасини ташкил этиш учун муҳим ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хориж ва маҳаллий тадқиқотчилари томонидан гестацион пиелонефритларнинг клиник - морфологик ўзгаришлари ўрганилишига қарамасдан, ушбу патологияни учраши, оғир кечиши ва ўлим ҳолатлари ҳанузгача учрамоқда. P. Goluszko нинг маълумотларига кўра, ҳомиладорларнинг 52%да қин суртмаси таркибида грамманфий бактериал инфекцияларнинг аниқланиши кузатилган.





Мамлакатимизда, гестацион пиелонефритни клиник жиҳатлари етарлича ўрганилган бўлиб, морфологик ва иммуногистокимёвий ўзгаришлари етарлича ўрганилмаган ва бу бўйича назарий далилларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқарилмаган. Абдуллахўжаева М.С, Исраилов Р.И (2007-2010 йилларда) томонларидан пиелонефритни ҳомиладорлик давридаги ўзгаришлари бўйича маълумотлар келтирилган лекин, замонавий текшириш усуллари бўйича натижалар амалга оширилмаган.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари: ҳомиладорлик даврида гестацион пиелонефритнинг патоморфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий жиҳатларини ўрганишдан иборат. Ҳомиладорлик даврида гестацион пиелонефрит билан хасталанган беморларнинг клиник анамнестик ва лаборотор кўрсаткичларини таҳлил қилиш натижасида, ушбу касалликни патоморфологик ташҳислашни амалга оширилади.

Ҳулоса Илк марта ҳомиладорлик даврида гестацион пиелонефритнинг юзага келишида морфологик, морфометрик ва иммуногистокимёвий жиҳатларни очилади. Айнан, туғруқдан кейинги 7-12 суткаликда ривожланган йирингли пиелонефритда буйрак жомлари ва косачаларидаги MALT тузилмасидаги иммунокомпетент ҳужайраларининг камайиши ёки ўткир етишмовчилиги билан боғлиқ маълумотлар ўрганилади. Жом ва косачаларнинг ички юзасидаги ўзгаришлар ва пиелоектазияга мойил бўлган ҳолатларда тўқима стромасидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Тиббиётда она ва бола муҳофазасини амалга оширишда, кутилаётган асоратларни жумладан, буйрак косачалари ва жомларида юзага келган ўзгаришларни олдиндан башоратлаш, даволаш ва профилактик чораларни амалга ошириш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.N.A. Muxina. Nefrologiya. Natsionalnoe rukovodstvo. Kratkoe izdanie - Moskva. GEOTAR-Media, 2018 g. ,563 6746
- N. A. Tomi-lina Xronicheskaya bolezni pochek. Izbrannye glavy nefrologii. Moskva. GEOTAR-Media, 2017 g.
- 2.A. I. Murtazin. Nefrologiya. Standarty meditsinskoj pomoshchi. Kriterii otsenki kachestva. Farmakologicheskiy spravochnik. Moskva. GEOTAR-Media, 2019 g.
- 3.X.SHols Sosudistyy dostup v gemodialize / Per. s angl, pod red. A.S. Burkova. - Moskva. Prakticheskaya meditsina, 2019 g.
- 4.A. V. Smirnova, N.L.Kozlovskoy. Nefrologiya. Klinicheskie rekomendatsii. Moskva. GEOTAR-Media, 2019 g.





5. А. Ю. Николаев. Острая почечная недостаточность: руководство - 2-е изд., перераб. и доп. Москва. GEOTAR-Media, 2017 г.
6. С.С. Вьялов, Н.М. Агаев. Нефрология, урология: поликлиническая помощь. Монография. Москва. Умный доктор, 2017 г.
7. Игнатова М.С. Детская нефрология: руководство для врачей. 3-е изд., перераб. и доп. Москва. ООО Медицинское информационное агентство, 2011 г.
8. П.В. Шумилова, Е.К. Петросян, О.Л. Чугунова Детская нефрология: учебник. Москва. MEDpress-inform, 2018 г. 234 245б

